

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хар бир қонунос ҳисба олиш, асосси жиноий жавобгарликка тортиш факларига нисбатан мурасисизлик муҳитини яратиш мақсадида республика прокуратура-сида 1996 йил 20 сентябрда 25-сонли «Фуқаролари ушлаш, ҳисба олиш ва жиноий жавобгарликка тортишда уларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан прокурорлик назоратини янада кучайтириш ҳақида»ги махсус буйруқ қабул қилинган. Унга асосан фуқароларни айриқонуний равишда ушлаш, ҳисба олиш ва жиноий жавобгарликка тортиш ҳоллари атрофида ўрганилиб, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйган айбдор шахсларнинг жавобгарлиги масаласини қонуни доирасида қатъий ҳал этиш белгиланган.

Шунингдек, вилоят ва унга тенглаштирилган прокуратуралар ҳамда мажбурий қарор билан фуқаро Г. Говурованинг жавобгар Н. Муҳаммадиевга нисбатан уйдан мажбурий чиқариш ҳақидаги давоси қабул қилинган. Самарқанд вилоят прокуратурасининг қасбияси тартибдаги протести асосида иш Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида 1997 йил 7 июлда кўрилиб, суднинг қонунга хилоф ҳал қилув қарори бекор қилинган. Иш янгитдан бошқа суд таркибига кўриш учун юборилган. Фуқаро Муҳаммадиевнинг суд томонидан бузилган ҳуқуқ ва манфаатлари эса тикланган.

— Қабул қилинган янги-янги қонунари чуқур ўрганиш, мажбурий қарор билан фуқаро Г. Говурованинг жавобгар Н. Муҳаммадиевга нисбатан уйдан мажбурий чиқариш ҳақидаги давоси қабул қилинган.

тартиби ҳақидаги Олий Мажлиснинг қарорига бўша вазириликлар ва идораларнинг ушбу қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ва мазкур қонунга мувофиқлаштириш тўғрисида кўрсатилган «Ўзбекбирлашув» раҳбарияти томонидан бажарилмаган ва Низомига тегишли ўзгартиришлар киритилмаган.

Фатратина республика прокуратурасининг 1997 йил 3 октябрдаги протести асосан Низом бандларини юқорида қайд этилган қонунга мувофиқлаштириш масаласи матбуот кооперацияси вакилларининг навбатдаги курултойи кун тартибига киритилган.

«Баққолик» республика акциядорлик бирлашмасининг 1994 йил 10 июнь куни тасдиқланган Низомининг 5.15 бандида таъсисчи акциядорлик жамиятларининг бошқарув раислари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда бош ҳисобчиларини тасдиқлаш бирлашма бошқарувининг вазифасига кирди, деб белгиланган.

Мазкур Низомининг ушбу банди «Акционерлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 65-моддаси талабларига хилоф бўлганилиги, яъни жамиятнинг фаолиятига асосси ара-лашувга йўл қўйилганлиги сабабли, прокуратура протести асосан бекор қилинди.

Худди шундай, «Ўзбекино» давлат акциядорлик компанияси Низомининг ҳам ноқонуний бандлари протест асосида бекор қилинди.

Оқорда қайд этилган идораларнинг Низомлари Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган

ган фуқаро охиригача курашмайди», — деган яқуний фикрга келиш, мен-мича нотўғри.

Биз ҳуқуқий давлат қуриш йўлида бирмунча муваффақиятларга эришдик. Шулардан бири — давлатимиз фуқароларининг ўз конституциявий ҳуқуқларини аста-секинлик билан мукамал тушуниб ета бошлаганликлари.

Хуқуқлари поймол этилаётганлиги ҳақида ва уни тиклашни сураб прокуратурага мурожаат қилаётган, талаблари қондирилишига эришган фуқаролар ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бундай мурожаатларнинг айрилари ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг эътиборсизлиги ёки ўз ҳуқуқлари бузилган фуқаронинг ариза билан мурожаат қилмаслиги — масаланинг иккинчи томони.

Шахсининг асосси равишда жиноий жавобгарликка тортилишига йўл қўйган, унинг аризасини эътиборсиз қолдирган ҳодим бизда қатъий жазоланди ва сиз айтганингиздек, уш одам поймол бўлаётган ҳуқуқини тиклаш учун ҳаракатини тўхтатадими, йўқми, қатъи назар, унинг ҳуқуқлари тикланиб, ҳақиқат қарор топдирилди.

Ўз ҳуқуқлари бузилганлигини билган ҳолда, уни тиклашга ҳаракат қилмаслик сабаби эса, бундай фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини ҳали тўла тушуниб ета олмаганликлари.

Батзи ҳолларда айбисиз деб топилад ва реабилитация этилган шахс қонунга хилоф равишда ушлаб турилганлиги, қамоққа сақланганлиги, айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилин-

латлари» номли илмий-назарий ва амалий асарда жиноятчиллик ва коррупциянинг Ўзбекистон давлати ҳафизлигида таҳдид солувчи омиллардан бири эканлиги таҳлил қилиниб, унинг сабаблари ҳақида батафсил тўхталинган. Коррупцияга қарши мурасисизлик билан қатъий курашиш лозимлиги ҳақида қатор гоғлар билдирилган.

Бизнингча, давлатда коррупция кучайишининг асосси сабабларидан бири ўтиш даврига хос ислохотларни амалга оширишда иқтисодий муаммоларни қонуний ҳал қилмасдан мансабдор шахсларнинг «моддий манфаатдор»ликка интилиши, жиноятга қўл уришлари оқибатида давлатда ҳокимият тизимини издан чиқаришга ҳаракат қилинаётганлиги намён бўлмоқда. Яъни, бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг қийинчиликларидан айрим шахслар ўзининг гавоз мақсадалида фойдаланишга уринмоқдалар. Жиноий йўл билан топилган пуллари «оқлаш», давлат идораларининг ходимларини пора эвазига ўз томонига олдириб олишга ҳаракат қилмоқдалар. «Хуфёна иқтисодиёти»га қарши ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан кескин чоралар кўрмаслик ҳолатлари ҳанузгача юз бермоқда. Айнан ушбу тоифадаги жиноят ишлари кам қўзғатиляпти. Батзида эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари айрим фуқаролар томонидан ёрдам беришни ҳоғамаслик ҳоллари ҳам учрамоқда.

Коррупция билан кураш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг вазифаси, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Бу зумга қарши чиқиш учун қўриляётган қаттиқ чораларнинг ўзи етарли эмас. Авваломбор

масъулятлидир. Буну ҳеч бир ҳодим ездан чиқаришга ҳаққи йўқ.

Президентимиз таскидлаганидек, «Кимки, ҳуқуқ-тартибот оргнларига дайлашмайди, қонунни истаганча обёқости қилишим мумкин, мушугимни биров «пишт» деёлмайдими, деб ўйлаган бўлса, янглишади». Шу талабдан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ходимдан ўз хизмат вазифасини виждонан, намуналий бажарилишини назорат қилиш кучайтирилмоқда. Улар томонидан йўл қўйилган ҳар бир хато ва камчилик учун тегишли қатъий чоралар кўриш таъминланмоқда.

Қадрларини танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш масаласининг ниҳоятда долзарб эканлиги эътиборга олинди, бу борада амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди. Натижасида республика прокуратураси ҳайъат мажлисида мухокама этилди ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, бу ишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари белгиланди.

Бир сўз билан айтганда, прокуратура идораларида сабабига салоқатли, малакали, ахлоқдан пок ходимлар меҳнат қилишга ҳақли.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда бундан кейин ҳам прокуратура идораларини нопок шахслардан тозалаш ишлари қатъийлик билан давом эттириляверади.

— Сўниги савол. Иқтисодиёт соҳасида содир этилаётган жиноятларнинг кўпайиб бораётганлигини бунинг олдин олиш чорасини тезроқ ҳал этиш зарурати туғилганлигини кўрсатаймими? Шу борада Сизнинг тақлифингиз...

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар мамлакатимизда олдинги йилларда, эски тузумда ҳам кўп бўлган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари бу жиноятларга қарши доимий кураш олиб бормоқда. Бу турдаги жиноятлар сони ошганлиги ҳақида ҳулосага келиш учун, улар тўғрисидаги статистик маълумотлар билангина чекланиб қолмаслик керак. Бу маълумотларга кўра ҳақиқатан ҳам улар ошган. Лекин рақамларга иқтисодий жиноятларнинг фақатгина сони бўйича эмас, балки ўтказилаётган текширишларнинг сифати яхшиланётганлиги натижасида бундай турдаги жиноятларнинг анқиланётганлиги ва жиноятчиларнинг жавобгарликка тортилиётганлиги нуқтаи назардан ҳам баҳо бериш лозим.

Республикаимизда олиб бориляётган иқтисодий ислохотларга энг катта тўсёқ бўлган бу турдаги жиноятларнинг мумкин қадар тезроқ олдини олиш чораларини кўриш зарурати ҳақидаги фикрингизга қўшиламан.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда бу йўналишда бир қатор амалий тадбирлар ишлаб чиқилди. Энг муҳими, белгиланган тадбирлар қозғода қўлиб кетатгани йўқ. Уларни амалга оширишга қатъий киришилган. Шулардан бири — мамлакатда қишлоқ ҳўжалиги ислохотларининг кечиккишига сабаб бўлаётган агросаноат соҳасидаги қонунбузарликларни бартараф қилиш бораида амалга ошириляётган чораларидир.

Қишлоқ ҳўжалигида қонунчилигини таъминлашнинг долзарб вазифалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида 1997 йил 27 октябрда ўтказилган кенгайтирилган ҳайъат мажлисидан таъбирнинг бор, албатта. Ана шу мажлис натижаларига кўра, бу борада биз амалга оширишимиз лозим бўлган конкрет тадбирлар ишлаб чиқилган эди. Шундан кейин прокуратура бошчилигида бир неча вилоятларда ўтказилган текширишлар мобайнида, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида анқиланган қонунбузарликлар юзасидан кўплаб жиноят ишлари қўзғатилди. Улар бўйича айблганларнинг 203 нафари қишлоқ ҳўжалигининг турли соҳаларида ишлаган мансабдор шахсларидир.

Таъкидламоқчиманки, иқтисодий жиноятлар асосан бу соҳанинг мансабдор шахслари бошчилигида содир қилинади. Биргина ўтган йилнинг ўзида 4 мингта яқин мансабдор шахс иқтисодий соҳадаги қонунбузарликлари учун жиноий жавобгарликка тортилди. Уларнинг ичиде санаот ва сандо корхоналари, қишлоқ ҳўжалиги раҳбарлари, ҳокимият ходимлари бор.


Келгусида ҳам уларнинг иқтисодиёт соҳасидаги суниетемолчиликлари ва бошқа турдаги қонунбузарликлари давом этар экан, ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан бу шахсларга нисбатан янада қатъий, шафқатсиз чоралар қўриляди.

— Бўришот ака! Сизга сўхбатингиз учун миннатдорчилик билдириб, айтмоқчиманки, ҳалқ прокуратурани ўзининг ҳуқуқий, қонуний ҳимоячиси, деб билади.

— Раҳмат. Бизнинг бутун саъий ҳаракатимиз ҳам шунга қаратилган.

«Халқ сўзи»нинг Ҳуқуқ ва қонунчилик бўлими мўхоррири Курбон ЭШМАТОВ сўхбатлашди.

ҚОНУН ОЛДИДА ҲАММА БАРОБАР



зини қақишда, афсуски, камчиликлар учрайди. Қонунари ҳаётга тadbirk қилинади, идора раҳбарлариям чалкашлиқларга йўл қўймоқдалар. Демокчилик, айриқонуний қарор, буйруқлар чикариб айрим шахсларнинг ҳуқуқини поймол этаётганларга кўлланилган чоралар ҳақидаям тўхталсангиз.

— Қонунариимизнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан прокуратура органлари томонидан амалга ошириляётган назорат шуну кўрсатмоқдаки, ҳали ҳам айрим вилоят ва туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, ҳўжалик юритувчи субъектлар, бошқарув идоралари раҳбарлари томонидан айриқонуний қарорлар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатлар чиқарилмоқда. Фуқаролар, тадбиркорлар ва жамоаларнинг қонуний ҳуқуқлари поймол қилинишига йўл қўйилмоқда.

Ўтган йил давомида қонун устуворлигини таъминлаш бораида прокурорларнинг протестлари билан 8289 та айриқонуний ҳужжатлар бекор қилинди.

Шуну алоҳида таъкидлаш лозимки, Конституцияимизнинг 100-моддаси билан қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқароларнинг ҳафизлигини таъминлаш вазифаси маҳаллий ҳокимият органларига юклатилган бўлса-да, айрим ҳокимликлар ушбу вазифани лозим даражада бажармасдан, айриқонуний қарорлар чиқарилишига йўл қўймоқдалар.

Биргина ўтган йил давомида ҳокимларнинг 496 та, шундан вилоят ҳокимларининг 5 та ноқонуний қарорлари протестларнинг протестлари билан бекор қилинди. Жумладан, Сирдарё вилоят ҳокими ўз ваколатидан четга чиқиб, вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасининг бошлиғи Ж. Шариповни лозимига тайинлаш ва унга ҳайъан эълон қилиш тўғрисида ноқонуний қарор чиқарган. Ушбу қарор республика прокуратурасининг протести билан бекор қилинди.

Бахт шаҳар ҳокимининг 1997 йил 18 августдаги қарори билан фуқаро Г. Годуров, Боёвут туман ҳокимининг 1997 йил 4 октябрдаги қарорига бирнан фуқаро У. Урушев деҳқон бозорлари акциядорлик жамиятлари раислари этиб тайинланганлар. Ушбу қарорлар «Акционерлик жамиятлари ва акционерларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 64.65-моддалари талабларига хилоф равишда чиқарилиб, акциядорларнинг қонуний ҳуқуқлари поймол қилинишига йўл қўйилганлиги учун прокурорларнинг протестлари асосида бекор қилинган.

Республика вазириликлари, қўмиталари ва бошқа муассаса раҳбарлари томонидан ҳам худди шундай қонун бузилишларига йўл қўйилиб, айриқонуний ҳужжатлар чиқарилмоқда.

Бундай ҳолатларга қабул қилинган янги қонунари чуқур ўрганимаслик ҳамда Олий Мажлиснинг қонунари кучга киритиш тўғрисидаги қарорларидеги вазириликлар, муассасаларнинг норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ва янги қонунга мувофиқлаштиришга энг тошриқларини тўлиқ ёки умуман бажармаслик сабаб бўлмоқда.

Мисол учун, «Акционерлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун 1996 йил 26 апрель куни қабул қилинган эди. Уни амалга киритиш

бўлиб, мазкур қонунбузарликлар ўз вақтида вазирилик томонидан бартараф этилмаган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг «Акциядорлик билан маркаланмаган тамаки маҳсулотлари ва спиртди ичимликларини мусодара қилиш ва сотиш тартиби тўғрисида»ги 1997 йил 1 июлдаги Низоми, 1997 йил 4 июлда Адлия вазирлигида рўйхатга олинган бўлиб, унинг айрим бандлари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг талабларига зид бўлганлиги туфайли прокуратура протести асосан бекор қилиниб, қонунга мослаштирилди.

«Ўзхимфарм» очик турдаги акциядорлик жамияти раисининг 1996 йил 19 ноябрдаги буйруғи билан В. Бузювага ёниги-мойлаш материалларини сақлаш қондалари бузилишига йўл қўйилганлиги учун Меҳнат кодексининг 181-моддасида назарда тутилмаган интизомий жазо, «қаттиқ ҳайъан» эълон қилинган. Унинг меҳнат ҳуқуқлари бузилган.

Худди шундай «Ўзагроқимтэаимнот» давлат акциядорлик бирлашмаси раисининг 1997 йил 27 ноябрдаги 59-сонли буйруғи билан Бухоро, Жиззах, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятлари «Агроқимтэаимнот» бирлашмалари раислари Б. Баҳромов, Э. Шерматов, Т. Сапаров ва И. Латиповларга нисбатан ўз хизмат вазифаларига масъулятсизлик билан қараганликлари учун Меҳнат кодексининг 181-моддасида зид равишда, қонунда кўрсатилмаган жазо, яъни «огоҳлантириш» эълон қилинган.

Юқорида кўрсатилган буйруқлар республика прокуратурасининг протестлари асосида бекор қилиниб, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари тикланди. Ушбу ва бошқа бир қатор ҳолатлар айрим мансабдор раҳбарлар томонидан амалдаги қонунларни билмасликлари, уларнинг талабларини назар-писанд қилмасликлари, шунингдек, ҳалқ ҳўжалиги корхоналари ва ҳокимликлардаги ҳуқуқшунослар иш фаолияти ўта суст даражада ташкил этилганлигидан далоят беради.

Текширишларда назорат органлари фаолиятига ҳам кўплаб қонунсиз ҳужжатлар чиқариш ҳоллари таркибли кетганлиги аниқланди. 1997 йил давомида прокурорларнинг протестлари билан мазкур органларнинг 2036 та айриқонуний ҳужжатлари бекор қилинди.

Ушбу йўналишда назорат давом этмоқда.

— Дейлик, фуқаронинг ҳуқуқий бузилиди. Еки йўқ айб юклиниб, жазога тортилди. Ва охирида енгилроқ чора қўлланилди унга. Уша одам ўзининг ҳақлигини, ҳуқуқий поймол этилганини билди-ю, лекин охиригача курашмайди. Нимага шундай?

— Фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқиланган манфаатларининг бузилиши жамиятимизнинг турли соҳаларида, жумладан, меҳнат, оила ва бошқа фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида вужудга келиши мумкин.

Агарда сиз фақатгина уларни асосси равишда жиноий жавобгарликка тортиш ҳоллари ҳам борлигини назарда тутаятган бўлсангиз, у ҳолда, «ўз ҳуқуқини поймол этилаётганлигини бил-

ганлиги туфайли вазирилик томонидан четлаштирилганлиги ёки тиббий муассасага жойлаштирилганлиги натижасида унга етказилган мулкрий зарар ва маънавий эълон бартараф этиш, бузилган ҳуқуқларини тиклаш мударати ва тартиби ҳақида реабилитация қилинган шахсга тушунтириш берилишига қарамай, фуқаролар бузилган ҳуқуқларини судга тиклашга эълнборисизлик билан қараш ҳоллари ҳам мавжуддир.

Бундай ҳолатлар ҳали айтганимиздек, кўпроқ фуқароларнинг ҳуқуқий онги, маданияти, ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишлари ва уларни муқтакил равишда ҳимоя қилишлари билан боғлиқ.

Бу борада инсон ҳуқуқларини кафолатловчи қонунари кенг жамоатчилик орасида тушунтириш ва тарғиб қилиш ишлари жадаллаштирилиши, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бораида амалга ошириляётган тадбирлар ҳақида оммавий ахборот воситаларида ёртилиб борилиши ва Олий Мажлиснинг IX сессиясида алоҳи ҳуқуқий маданиятини юксалтириш Дастурининг қабул қилиниши ўзининг ижобий маъсулини беради, деб ўйлайман.

— «Биз коррупция билан кураш масаласида алоҳида эътибор қаратмоғимиз лозим»лиги биз неча мартаба таъкидланди. Бу ҳавфнинг олдини олиш, унинг кучайишига йўл қўймаслик учун нима-лар қилиш керак, деб ўйлайсиз?

— Ўтиш даврида ҳар бир тараққий этган демократий давлат тузумини кўраётган жамият қатор муаммоларга дуч келади. Ислохотларнинг дастлабки босқичларида давлат ҳокимияти структураси, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари сафига бузоқ мафқурали, гавозғўй шахсларнинг кириб қолиши табиий. Сиз тўғри айтдингиз, бу масала бутун биринчи мартаба кўриляётганлиги йўқ. Прокуратура тизимига турли йўллар билан кириб олиб, обрўйимизга путур етказаятган бундай «ҳамкасб-ларимиздан савларимизни тозалашга катта аҳамият бериб келганимиз. Бунга мисоллар жулда кўп. Чунки ҳалқимизда «Битта... бузоқ бутун подани бузди» деганидек...

Бу йўналишда амалга ошириляётган ишларимизни мувофиқлаштириш мақсадида, ҳозирда прокуратура томони билан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда «Коррупция ва ушлаган жиноятчиликнинг бошқа кўринишларига қарши кураш чора-тадбирлари» дастури ишлаб чиқилмоқда. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, прокуратура идоралари ходимлари томонидан содир этилган жиноятлар сони кескин камайган. Бу ҳолатларга умуман йўл қўйилмаслиги бораида маълум ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ҳаққатдан ҳам «Биз коррупция билан кураш масаласида алоҳида эълнбор қаратмоғимиз лозим» деган сўзларни юртбошимиз такрор ва такрор айтиб келмоқдалар. Айниқса, коррупция билан курашиш жиноятчиликка қарши курашишдаги долзарб муаммолардан бири эканлиги ҳақида Президент И. Каримов 1998 йилнинг 25 февралда Вазирлар Маҳқамасида бўлиб ўтган йилгида яна бир бор таъкидлаб ўтилди. Ёдингизда бўлса И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср Буасасида: ҳафизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққийёт кафо-

Курбон ЭШМАТОВ сўхбатлашди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда айрим ҳуқуқий нормаларнинг Конституцияга мувофиқлигини ва уларнинг қўлланилишини текшириш тўғрисидаги масалалар кўрибди. Қуйида ушбу масалалар юзасидан суд қарорлари баён қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 118-моддасининг қўлланилишини текшириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 118-моддаси оқибатдаги ҳис-ҳисоб, ақлий зўриқиш, асаб танглиги билан бўлган ишлардаги ҳодимлар учун иш вақтининг қисқартирилган муддатини (ҳафтасига кўли билан 36 соат) белгилайди. Мазкур моддага мувофиқ, барча тиббиёт ҳодимлари меҳнат аломидга тўлиқ вақт билан ишлаш жумласига киритилган. Бироқ, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 113-сонли қарори билан тасдиқланган "Алоҳида тўстага бўлган ишлардаги ҳодимлар рўйхати"да ҳафтасига иш вақтининг муддати 33 соатли бўлган факат беш тоифадаги тиббиёт ҳодимлари кўрсатиб ўтилган. Шу сабабли амалиётда рўйхатда кўрсатилмаган бошқа тиббиёт ҳодимлари учун иш вақтининг муддатини белгилашда қийинчиликлар келиб чиқади. Меҳнат кодексининг 118-моддасини тушунишда бир хилликнинг йўқлиги илгари қисқартирилган иш вақтининг ҳуқуқий асосини қайта баҳолаш зарурлигини келтириб ўтишни шарт қилишимиз керак.

Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 118-моддаси мазмунидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган "Алоҳида тўстага бўлган ишлардаги ҳодимлар рўйхати"да кўрсатиб ўтилмаган тиббиёт ҳодимларининг ҳафталик иш вақти муддатини белгилашда қийинчиликлар келиб чиқади. Меҳнат кодексининг 118-моддаси мазмунидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган "Алоҳида тўстага бўлган ишлардаги ҳодимлар рўйхати"да кўрсатиб ўтилмаган тиббиёт ҳодимларининг ҳафталик иш вақти муддатини белгилашда қийинчиликлар келиб чиқади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИДА

бир ҳафтада 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблайди.

"Давлат ижтимоий сўғуртаси бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низоми"нинг 17-банди 5-қисмининг Конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 38-моддасида ёлланиб ишлайдиганларнинг ҳақ тўланадиган дам олиш ҳуқуқи мустақиллик қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 133-моддасига мувофиқ, барча ҳодимларга дам олиш ва иш қилишни тўлиқ вақт билан ишлаш жумласига киритилган. Бироқ, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 113-сонли қарори билан тасдиқланган "Алоҳида тўстага бўлган ишлардаги ҳодимлар рўйхати"да ҳафтасига иш вақтининг муддати 33 соатли бўлган факат беш тоифадаги тиббиёт ҳодимлари кўрсатиб ўтилган. Шу сабабли амалиётда рўйхатда кўрсатилмаган бошқа тиббиёт ҳодимлари учун иш вақтининг муддатини белгилашда қийинчиликлар келиб чиқади. Меҳнат кодексининг 118-моддасини тушунишда бир хилликнинг йўқлиги илгари қисқартирилган иш вақтининг ҳуқуқий асосини қайта баҳолаш зарурлигини келтириб ўтишни шарт қилишимиз керак.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасига қўра, ҳар қим қариганида, меҳнатга лаёқатини йўқотганда, шунингдек, буюқчиликни маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Меҳнат кодексининг 285-моддасининг биринчи қисми вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси касаллик ва рақаси асосида ҳодимнинг ўзи қасал бўлиши муносабати билангина эмас, балки у оиланинг ботоб бўлиб қолган аъзосини парварош қилганда ҳам тўланадиган назарда тутилган. Бироқ, агар оила аъзосининг касаллиги ҳодимнинг меҳнат таътилиши даврида юз бериб, ҳодим дам олиш ўрнига, беморни парварошлагига мажбур бўлса, унга "Давлат ижтимоий сўғуртаси бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низоми" 17-бандининг бешинчи қисмига қўра, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси берилмайди.

Бундай вазиятда таътил ҳам ҳодим оиланинг ботоб бўлиб қолган аъзосини парварош қилган қўлар сонига монанд узайтирилмайди. Шу тарзда меҳнат таътили даврида оиланинг ботоб аъзосини парварош қиладиган ҳодимларнинг дам олиш ва ижтимоий таъминотга бўлган конституциявий ҳуқуқлари қамситилади.

Конституциявий суд "Давлат ижтимоий сўғуртаси бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низоми"нинг 17-банди бешинчи қисмида назарда тутилган, навбатдаги ёки қўшимча меҳнат таътилидаги ҳодимнинг ботоб бўлиб қолган оила аъзосини парварош қилиш учун нафақа олиш ҳуқуқини чеклаш Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мос келмайди, деб топди.

Уруш ноғиронларига ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи учун буюқчиликни йўқотганлик муносабати билан нафақа олаётган оилаларга уй-жой майдони ва коммунал хизматлар ҳақини тўлашда имтиёзлар беришга доир айрим ҳуқуқий нормаларнинг Конституцияга қанчалик мослигини текшириш тўғрисида.

Ўзбекистон ҳуқуқининг 1981 йил 7 июлдаги 544-қарори билан тасдиқланган Низомига мувофиқ 1941-1945 йиллардаги уруш ноғиронлари ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи учун буюқчиликни йўқотганлик муносабати билан нафақа олаётган оилалар уй-жой майдони 9 квадрат метри норма доирасида бўлганда 50 фоз микдорда, 15 квадрат метрга бўлган ортиқча майдон учун эса бир ҳиссали микдорда квартира ҳақи тўлашлари лозим эди. Бунда квартира ҳақининг пасайтирилган микдори ишчи ва хизматчиларга оила

эгаллаб турган бутун уй-жой майдони учун оиласининг ҳар бир аъзоси учун белгиланган 9 квадрат метри норма доирасидаги ставкалар бўйича ҳисобланиши лозим эди.

Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг 1983 йил 19 декабрдаги "Уй-жой кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида"ги Фармони билан республика ҳуқуқига ўз қарорларини мазкур Кодексга мувофиқ ҳолга келтириш топширилган. Хусусан, уй-жой майдони нормаси 10 квадрат метр ҳажмида белгиланиши лозим эди, аммо бундай қилинмаган.

Ўзбекистон Президентининг 1990 йил 7 майдаги "Улуғ Ватан уруши ноғиронларига, қатнашчиларига, байналмилалчи жангчиларига ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларининг оилаларига Улуғ Ватан урушидаги галабанинг 45 йиллиги байрам қилиниши муносабати билан қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида" 4-сонли Фармони чикарилиб, фуқароларнинг қўрсатилган тоифалари 1990 йил 1 июлдан бошлаб квартира ҳақи тўлашдан буткул озод қилингандан кейин ҳам коммунал хизмат ҳодимлари юқорида айтилган Низомига амал қилаверганлар.


МДХ мамлакатларининг ҳуқуқлари томонидан 1994 йил 15 апрелда тузилган 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ноғиронлари, бошқа давлатларнинг ҳудудидagi жанговар ҳаракатларнинг қатнашчилари, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари учун имтиёзлар ва қарорларнинг ўзаро тан олиш тўғрисидаги Битмиа Биноан, уларга квартира ҳақининг 50 фозини микдорда имтиёз белгиланган, айни вақтда МДХ мамлакатларига бу имтиёз янада қўлайтириш имконияти

берилган. Мазкур масалани 1996 йил 23 декабрда Конституциявий суд мажлисида кўриб чиқиш чоғида Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг вакиллари ҳозирги вақтда фуқароларнинг қўрсатиб ўтилган тоифаларига имтиёзлар беришга доир янги қондалар ишлаб чиқилаётганини билдириб, ишчи кўришни кейинга қолдиришни илтимос қилдилар. Бироқ бу қондалар ханузгача қабул қилинмади ва 1981 йилги Низомида назарда тутилган ҳуқуқий нормалар ўз кучини йўқотган, деб топилгани йўқ.

"Инсон — давлат" муносабатида устулки инсонга, унинг ҳуқуқ ва манфаатларига тегишли бўлиши тўғрисидаги конституциявий тамойилдан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Президентининг 1990 йил 7 майдаги Фармонининг талабларини бажариш мукярарлиги шубҳасиздир.

Конституциявий суд Ўзбекистон Министрлар Советининг 1981 йил 7 июлда қабул қилинган 544-қарори билан тасдиқланган Низомига мувофиқ, 1941-1945 йиллардаги уруш ноғиронларига ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи учун буюқчиликни йўқотганлик муносабати билан нафақа олаётган оилаларга уй-жой майдони ва коммунал хизматлар ҳақини тўлашда имтиёзлар беришни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларни Конституцияга хилоф, деб топди.

Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқига фуқароларнинг қўрсатишган тоифаларига уй-жой майдони ва коммунал хизматлар ҳақини тўлашда имтиёзлар беришга доир янги қондалар ишлаб чиқишни лозим деб топди. Бундай қондалар ишлаб чиқилиши муносабати билан нафақа олаётган оилаларга уй-жой майдони ва коммунал хизматлар ҳақини тўлашда имтиёзлар беришга доир янги қондалар ишлаб чиқишни лозим деб топди. Бундай қондалар ишлаб чиқилиши муносабати билан нафақа олаётган оилаларга уй-жой майдони ва коммунал хизматлар ҳақини тўлашда имтиёзлар беришга доир янги қондалар ишлаб чиқишни лозим деб топди.



Улакмига баҳор кириб келди. Уйғошни фасли бошланди. Бунинг билан, аввало, табиқатнинг жонланishi, дала-тузга сен ёй бошлаганиданноқ сезилди. Бу эса қиш буйи бироз бўлсада нафасини ростлаб олган деҳқонларимиз қалбига уйғоқлик бахш этди. Аммо бу уйғоқлик Самарқанддаги қўқаламзорларда, айниқса, 48 хил экинда синиб кўрилган, Шимолий ва Жанубий Америкада, Хитойда, шунингдек, пахта эгувчи бошқа мамлакатларда муваффақиятли синовдан ўтган СТИРРУПМ препараты алоҳида қизиқиш уйғотди.

НАВРЎЗ ИНЪОМИ

лаштириш комбинатида қиш буйи давом этди. Комбинатнинг иссиқхоналарига назар ташласангиз баҳор дейсиз, ёз дейсиз. Ҳозир комбинатда жасмин, япон беҳиси, чинисе, атиреунинг ўнлаб навлари, магнолия, хризантема, лаза, нарис каби гуллар барқ уриб оқимолда. Комбинатнинг бу махсусотлари Наврўз кўни Самарқанддаги гул дўкхоналари нештасаларида бўй кўрсатади.

СУРАТЛАРДА: гулчи Моҳира Эшонқуллова ўз касбидан мамнун; комбинат иссиқхоналарида нафақат гуллар, палма, папоротник ва бошқа экзотик ўсимликлар ҳам парварошланади. Т. НОРҚУЛОВ(ЎзА) олган суратлар.


АНЖУМАН ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАР АСОСИДА

Тошкентда пахта ва бошқа қишлоқ ҳўжалик эканлари кушандаларига қарши курашининг самарали ҳамда безарар усулларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Анжуман қишлоқ ҳўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази ва «TRCU Bisculces FERMONE Cheical, «Lances Link SA (AKH), Швейцария) фирмалари томонидан ташкил этилди. Семинарда ўсимликларни ҳимон қилиш вилоят марказлари раҳбарлари,

олим ва агрономлар, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, Соғлиқни сақлаш вазирилик вакиллари, «Узагрохимтаъминот», Уздавхимкомиссия, қишлоқ ҳўжалик фанлари Академияси вакиллари иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Хорижий фирмалар вакиллари республикамиз барча туманларида синов ўтказиш учун ўз препаратларини бепул беражакларини айтдилар. Мутахассисларда, айниқса, 48 хил экинда синиб кўрилган, Шимолий ва Жанубий Америкада, Хитойда, шунингдек, пахта эгувчи бошқа мамлакатларда муваффақиятли синовдан ўтган СТИРРУПМ препараты алоҳида қизиқиш уйғотди.

Ўз мухбиримиз.

«ГАЛЛАБАНК» ФАЙЗУ БАРАКАЛИ ТУРМУШ – БОШ МАҚСАД



Курбон АМИРКУЛОВ, Сурхондарё вилоятининг Мўзробод туманидаги «Меҳнат-роҳат» хусусий корхонаси бошлиғи

Даромадининг кафолатли манбани

Истиқболнинг илк йилларидаёқ Республикамиз Президентининг иқтисодий мустақилликка эришиш сийсий мустақилликнинг асоси эканлигини таъкидлаган эдилар. Мамлакатда галлачиликни ривожлантириш эса иқтисодий мустақилликка эришининг энг муҳим омилларидан биридир.


Сўнгги йилларда шу мақсадда мамлакатда улкан тадбирлар амалга оширилди. Бугун Ўзбекистонда дон етиштириш уфқлари бемисл кенгайди.

Иўлдошбой ЭРГАШЕВ, «Галлабанк» бошқаруви раиси

ИСТИҚБОЛЛИ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАР

«Ўздонмахсулот» корхоналарининг ҳисоб-китоб ишларини кечиктирмай амалга ошириш, галла етиштирувчи ҳўжаликларни янги ҳосил етиштириш учун ўз вақтида бўнақлаш ҳамда уларни зарур ҳолларда молиявий қўллаб-қувватлаш учун кредитлар бериши, шу тизим ичидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг кескин қамийиб боришига амалий ёрдам бериш энг муҳим вазифаларимиз сирасига кирди. Масалан, ўтган ҳисобот йилида банкнимиз томонидан «Ўздонмахсулот» давлат акционерлик корпорацияси тизимига кирувчи корхоналарга қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари, галла ва бошқоқли дон сотиб олишлари учун қарийб 21720 млн. сўмдан зиёд кредит берди. Янги 1998 йилда эса галла экиладиган майдонларнинг янада кенгайиши ва галла уруқчилиги соҳасини ривожлантириш талаблари банк томонидан шу мақсадларга йўналтирилган кредит қўйилмалари қўламини тобора кен-

1994 йилнинг июнь ойида Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори билан ташкил топган республика иқтисослаштирилган акционерлик-тижорат банки — «Галлабанк» галла мустақиллигига эришишдек улкан ва масъулиятли ишда фаол қатнашиб келаяпти. Ана шу тизимнинг ҳисоб-китоб жараёнларини тезлаштириш, миқозларга халқор андозаларда банк хизмати кўрсатишдек муҳим вазифани куч-ғайрат билан муносиб урдаламоқда.




Чўтти ЖАББОРОВ, «Қашқадардонмахсулот» ишлаб чиқариш акциядорлик уюшмаси бош ҳисобчиси

ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУР ЎЗГАРЯПТИ

Бизнинг уюшмамиз корхоналари асосан вилоятдаги ҳўжаликлардан галла қабул қилиб олади ҳамда донни қайта ишлаб, аҳолига ун ва омихта-ем махсулотлари етказиб бериб, Шунингдек, корхоналаримиз орасида нон тайёрлаб, элга сотадиغانлари ҳам бор. Ўтган йили 330 миң тонна галла қабул қилинди.

ФАКТ ВА

- «Галлабанк»нинг республикамиз вилоятлари, шаҳарлари ва туманларидаги филиал ва бўлиқлари ҳозирги кунда 26 тага етди. Факат 1997 йилине ўзида 5 та янги бўлиқ очилди.
- Банк мажозлари йил сайин қўнаймоқда. 1997 йилининг 31 декабрга келиб, уларнинг сони 3500 тага етди.
- Банкнинг Устав капитал дастлаб 8 миллион сўмдан иборат эди. 1997 йилининг охирида бу сармом 300 миллион сўмга етди.
- Банк қисқа муддатларда акцияларнинг 3 та эмиссиясини чиқарди. Ҳозирги вақтда банкнинг 3 миллион дона акцияси муомалада бўлиб, бу мақдорни 4,5 миллионга етказиш кўзда тутилган.
- Банк акциядорларининг умумий сони 839 та. 143 акциядор — юридик шахслар, 600 дан ошқоқроғи жасмоний шахслардир. Банкнинг асосий акциядорлари — дон, озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқариш соҳасига қарашли корхоналар ҳисобланади.
- Кредит қўйилмаларининг ҳажми йил сайин ўсаяпти. «Ўздонмахсулот» давлат акционерлик корпорацияси тизимидоги тармоқларга берилган кредитлар ҳажми 1996 йилга нисбатан 4 баробарга ортди.
- Банк томонидан ўрта ва кичик таъдиркорликни қўллаш, аҳолини биралчи ҳўжиёе товарлари билан таъминлаш учун факат 1997 йилине ўзида 585,2 миллион сўм маблағ ажратилди.



СУРАТДА: бу шинам компьютерлар хонасида «Галлабанк»дан олиб илбоялардаги корхоналарга ўтказиладиган маблағларнинг ҳисоб-китоби қисқа лаҳзалар ичида амалга оширилади. Т. КАРИМОВ олган сурат.

РАҚАМЛАР

- «Галлабанк» қимматли қўғозлар бозоридида фаол операциялар билан шуғулланмоқда. Мазкур банк — Ўзбекистон Республикаси фонд бозорининг энг ирриқ иштирокчиларидан биридир. Қимматли қўғозларга қўйилган маблағлар банк йиллик капитал умуий сўммасининг 23-25 фозини ташкил этди.
- «Галлабанк» хорижий ҳамкорлар билан амалий контрактлар асосида ташқи иқтисодий фаолият юритмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва АНВ АМРО Банк билан ҳамкорлик самарали ривожланмоқда.
- Банкда ишловчилар сони 1997 йил охирида 800 кишидан ортди. Уларнинг 600 нафаридан кўпроғи мутахассислардир.
- Банкда илмий даражага эга қўллаб мутахассислар ишлаётган. 60 нафардан кўпроқ мутахассис республиканинг етакчи банк мақталарида қисқа муддатли таълим курсларини ўтадилар. Йил давомида банкда ички тематик семинарлар мунтазам ўтказиб турилади.
- 1997 йилине март ойидан бошлаб, мамлакатимиздаги бошқа банклар қатори «Галлабанк» ҳам жаҳон андозаларига мос янги ҳисоб рақамлари тизимига ўтди. Банк Ўзбекистон банкларнинг электрон тўловлар тизимига тўлақонли иштирок эталяпти.
- Бозор муносабатларида ўзини шартли «Галлабанк» ташкилотлар, шунинг билан бозор муносабатлари ҳайрат ва ҳўмайлик ёрдами мунтазам кўрсатиб келмоқда. 1997 йилда ушбу мақсадларга 10 миллион сўм маблағ сарфланди.

Нечун керак бўлди сенга кўз ёшим,
Нечун керак, рубоб, сенга шунча ғам!

Абдулла ОРИПОВ.



МУНОЖОТНИ ТИНГЛАБ...

ропалик мухлислари лол қолди-
риш осонмас-ку? Айниқса, тил
масаласи...

— Гап тилда эмас. Мана олинг,
Рембрант ё Микеланжелонинг дунёга
масхур полотносининг ҳеч бир
изоҳсиз ўзбек мухлисига кўрсати-
лган таржимон керак бўладими? Албатта
шарт эмас, чунки тафаккурни кенг,
ҳис қила олиш қудратига эга бўлган
одамга изоҳ зарур бўлмайди. Музиқани
ҳамма яхши тунунади.

— Операнинг ватани ҳисобланмиш
Италияда қандай таассуротлар бўлди? Эшити-
шимча, Муножот томошабинларни
сеҳрлаб қўйгани ҳақида гап бўлди?

— Концерт бошланаётганда биз-
ларни оғоҳлантиришди: «Меҳмонлар,
тағин ажабланманг, бу италийнлар
концертда бемалол гаплашиб ўти-
раверар экан-да, деб. Одатимиз
шундай. Лекин бутун диққат-эти-
боримиз барибир саҳнада бўлади». Му-
ножот куйлай бошлагач... зал сув
қуйгандай жим бўлиб қолди.

Бир пайт концерт тамом бўлгач,
ҳаммаёқни мухлисларнинг гулду-
ро қарсақлари, олқишлари босиб кетди.
Атрофимизни ураб олишди. Ва бизни
огоҳ этган кишилар ҳайрон қолди.
«Бу қизингиз ҳаммани сеҳрлаб қўйди
шекили. Ҳали шу пайтатча бизнинг
шинавандлар бунақа сокин бўлиб
қўшиқ тингламаган».

— Бу бир ижодий сафаримди
ёки бирон байрам баҳонасида че-
киришганимди?

— Италияда Шарқ халқлари му-
сиқаси фестивали ўтказилди. Эрон-
дан Шожарийён, Озарбойжондан
Олим Қосимов сингари таниқли
ашулачилар ҳам бориди. Беш кун
давом этган бу фестивалда Муно-
жот ўзбекистон ва халқимиз санъ-
атини муваффақиятли намойиш
эти олади.

ЕВРОПАНИНГ ЎЗ ТАРОЗУСИ БОР

Ўзбек санъаткорларидан кўп
эшитганман авваллари. Улар ак-
синча, Европандан кура, Шарққа

моийлик билдиришади. Яъни
Ғарб бизларни тушунмайди, деган
хавотирларини айтишади. Сўнгги
йилларда Ғарбда Шарқ санъатига
булган қизиқиш кучайиб бораёт-
ганининг тури хил сабаблари бор.
Барибир тан оломқо керак:
Шарқ ўз номи билан Шарқ! Унинг
минг-минг йиллик мероси ҳали-
хануз Ғарбни ҳайратта солишида
ғаройиб ҳикмат бор.

Бу ҳикматни Муножот шундай
таърифлайди: «Мен санъатни икки
қўбга бўлиб тушунмайман. Ёки
бўлмаса яхши ё ёмон, деган ме-
зонга ҳам қаршиман. Биз бир

турмуш ўрғим машинада қаттиқ
шиқастланиб касалонада ётувди-
лар. Икки йул орасида қолдим.
Бормайн десам, биринчи халқа-
ро фестивал. Борсам, бу ёқда...
Охири ҳужайимини ёруғ ниёллар
айтиб, оқ йул тилаб розилик бил-
дирилди. Устига-устак, ўзимнинг
саломатлигим кўнглидагидек эмас-
ди. Устозим далда бериб, руҳим-
ни кўтарди.

Самарқандга жуда иқтидорли
санъаткорлар келишувди. Очиғи,
фестиваль ниҳоятда юксак савия-
да ўтди. Ташкилий талбирлар ҳам
яхши ўрштирилди. Айниқса ан-

**Ўзбек миллий наصريни ажайиб
намуналари бўлмиш «Галапепа-
га қайтиш»ни, «Одида юрган
одамлар»ни, «Бир оқшом эрта-
ни муножаб қилдим». Сиз-чи,
Муножот, шундай лаҳзаларда
кимни эшитдингиз келади?**

— Сиз айтган ҳолат мендаим
олий ижроия органи — Давлат
Кенгашини ислоҳ қилиш бошланди.
Бу ҳақда ХХР парламенти махсус
қарор қабул қилди. Ушбу қарорга
биноан вазирликлар ва амалдорлар
сонини қисқаради. Йўналиши бир-
бирига яқин бўлган қўллаб-
вазирликлар бирлаштирилади.
Бундан бўён Хитой давлат режа
қўмитаси фақат истиқболли белги-
лаш бўйича стратегик изланишлар
билан машғул бўлади.

— Сиз юқорида музиқа, кўшиқ
нима ўзи, деб сўрадингиз. Келинг,
мен ҳам ўз мулоҳазамни айтийин,
дедилар Шавкат ака. «Мана, сизга
бу муқоаса: ҳаммаиз телевизор
кўрагимиз, радио эшитамиз. Шеръ
ўқилаётганда секин музиқа чали-
нади. Музиқа чалинганда нега шеръ
ўқилмайди? Бунда қандай сир бор?
Ёки бирон таъсирдор, қайғули-
роқ воқеа шарҳланса, оғир оҳанг-
даги музиқа куйилади. Нима у?
Юпанчми, таскинми? Мен ун олти
ёшимдан бери (Шавкат Мирзаев
халқимизнинг сукули бастакори
Муҳаммаджон Мирзаевнинг ўғли-
ри — Н.Ж.) музиқа тинглайман.
Лекин ҳалигача унинг қўйсони то-
полмадим. Илоҳийлик бор унда.
Бўлмаса Маъмуржон Узоқов, Жура-
хон Султонов, Турғун Алиматовлар
бунчалар шухрат қозонмас эди.»

МУНОЖОТНИНГ МУНОЖОТИ

Кеча келгудур дебон уя сарви
гулур келмади,
Кўларимга кеча тонк отқунча
уйу келмади.

Лаҳза-лаҳза чиққимиз чектим
йўлда иптисор.
Келди жон оғзимга уя шўхи
бадқў келмади.

Хар қандай тош кўнглини-да
эритиб юборувчи ҳарат Навоий-
нинг бу байтлари қай бир юракни
тиратмаган дейсиз? Билмадим,
сизу биз бўлсак олдий ўқувчи ё
тингловчимиз, бул ўтти сатрларга
сингиб кетган Муножот Йулчиева
не дер экан?

«Шунча йил баҳоли қудрат ашу-
ла куйлаб англаган ҳақиқатим шу
бўлди: гуё ҳарат Навоий ҳамма-
мизни осмондан кузатиб тургандай
туюлаверади менга. Узимга гоҳо
ҳайрон қоламан. Хар бир сатрни
қайта-қайта хиргойи қилаверам,
сеҳрланган одамдай ҳис қиламан.
Кейин улкан куч пайдо бўлади. Ке-
линг, ул зоти шарифдан яна бир
байт келтирайин:

Толиби содиқ топилмас, йўқса
ким қўли қадим
Йўлагим, аввал қадим машуққа
ўтпру келмади...

Одамни ва ҳаёлини олиб, учиб
кетиши-ку, бу сатрлар...»

... Бошқа яна қандай таъриф ке-
рак? Ана, сизу биз излаётган АШУ-
ЛА ва МУСИҚАНИНГ сеҳри! Ана,
Муножотнинг асд муножоти!

**Норқобил ЖАЛИЛ,
«Халқ сўзи» муҳбири.**

КЎШИҚ ВА МУҲАББАТ

Йигирма йил бўлди унинг ово-
зини эшитганимга. Ушунда ҳам
ўзимнинг болалик тасаввуримда бу
ғаройиб овоз соҳибасини қандай
«кашф» этган бўлсам, бугунда у
шундай соҳир ва майин.

Одам Ато ва Момо Ҳаво бош-
лаган йўлнинг чек-чекларини йўқ.
Уни излаган билан топиб бўлар-
миди? Гоҳо ўзимизча одамга жону
руҳ бағишловчи МУСИҚА қачон
ирпаган экан? — деб ўйлаб қола-
миз. Дарди дунёимиз ёниб кетаёт-
ганда... бир наво истаб қолиши-
мизнинг боиси неандур?

«Ўтқан кўлар»ни эсланг!
«Машшоқ Отабекнинг
сархуш кўлидан бир пил-
ла бўзани ичгач, дуторини
чертиб сўради:
— Қандай куйни чалай,
бек ака?
Отабек сархуш товуш
билан жиддийгина қилиб
жавоб берди:
— Билсангиз, ҳайдалиш
куйини чалингиз, ажралиш
куйини чалингиз!
Машшоқ ажабсинган
эди:
— Дунёда бундай куйлар
борлигини умримда бирин-
чи марта эшитаман, бек
ака!
— Дунёда бундай куй
йўқ деб ўйлайсизми, сиз

ЭШИТМАГАН БЎЛСАНГИЗ, МА- НИНГ ЭШИТганим бор...

Уша кунни йигирма йиллик ку-
затувим бир бўлди. Муножотнинг
икки калима жавоби бир бўлди.
Охири сўрадим: «Мени кўпдан бери
бир савол қўйнайди. Айниқса сиз-
нинг ашулаларингизни эшитсам...
Кўшиқ ўзи нима? Кўнгли эрмаги-
ми, қисмат ё бир исмсиз дароми?»

У узоқ ўйланиб турди-да, жид-
дий оҳангда: «Келинг, энди мен
сиздан сўрайин-чи: «Муҳаббат
нима?»

— Билман, билмайсиз, таърифи
йўқ унинг. Аслида кўшиқ ҳам шу-
ндай. Муҳаббат ҳар бир юракка ян-
гидан туғилаверади, деймиз.
Кўшиқ-чи? 30-40 йил ёхуд асрлар-
га татигулук дарди, ҳасратли
оҳангларга қандай таъриф айтий-
ин?

**ПАРИЖЛИКЛАР
ЭТИРОФИ ЁХУД
СЕХРЛАНГАН
«ИТАЛИЯНЛАР»**

Турингизга Муножот Йулчие-
ванинг устози, Ўзбекистонда хиз-
мат кўрсатган артист, бастакор
Шавкат Мирзаев қўшиди:
— Утган йили биз учун катта им-
тиҳон ва синовлар йили бўлди, —

СПОРТ
КАСПАРОВ ЖАЗОЛАНДИ
Испанияда ниҳосига етган йи-
рик халқро шахмат мусобақасида
масхур Гарри Каспаровга 3 минг 275
АҚШ доллари миқдориде жарима соли-
нди. Мусобақа тартиб-интизомига кўра,
шахматчилар қирқинчи юришдан кейинги
узро дуранг натижага келишишлари мумкин
эди. Аммо эркатой Гарри Каспаров му-
ддатидан саят олдин болгариялик рақиб
Веселен Топалов билан (19-юришда)
дурангга рози бўлди. Натижада
бироз «чиқим» қилиша тўтри келди.
Мусобақада биринчи ўринни
ҳиндистонлик Вилияжтан Ананд
эгаллади. Широв иккинчи,

Каспаров ва Крамник учинчи,
Свидлер тўртинчи,
Иванчук бешинчи,
Топалов олтинчи ўрин-
ларни эгалладилар.
НАГАНОДА ЯНА БИР СПОРТ БАЙРАМИ
Япониянинг Нагано шаҳрида яна
бир йирик спорт байрами бошланди.
Унда дунёнинг 32 мамлакатидан
1200 дан ортиқ чанги ва тоғ чан-
гиси, биотлон, қонкида югурши
ва хоккей уйинларининг нотирон
усталари қатнашмоқда.
Муҳими шундаки, мусобақаларга
кириш учун бериладиган
билетларнинг ҳаммаси сотиб
бўлинган. Ташкилотчилар
спортчилар учун бутун Япония
бўйлаб катта имконият яратиб
бердишди. Улар ушбу спорт
байрами туғатунга қадар,
ҳеч жойда ва ҳеч нарсага навбат
кутиб туришмайди.

Реклама ва
Эълонлар
136-09-25

АПАЛЬГИН
АНАЛЬГИН -500 мг
анальгетик ва жаранга
восита

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати
томонидан республикамиз ҳудудига
илгари ишлатилган автомобиль
шиналарини олиб келишни ман қилиш
тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бу қарорнинг қабул қилинишига сабаб
шуки, илгари ишлатилган автомобиль
шиналарининг қайта ишлаш
технологиясининг йўқлиги сабабли,
улар атроф-муҳит ва инсоният
саломатлиги учун
хавфли чиқинди
сифатида қарор қабул қилинди.

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

Ўзбекистон Республикаси барча ҳудудларидаги
хунармандлар, халқ усталари диққатига!
Агар Сиз ишлаб чиқараётган маҳсулотингиз 5 йилгача
СОЛИҚ ТЎЛАШДАН ОЗОД ЭТИЛИШИНИ,
хонашэ топишдан, асбоб-ускуналар билан таъминлашдан қийналмаслиқни
истасангиз, ишлаб чиқарган маҳсулотингизни бемалол сотиш ҳуқуқига
эга бўлишни хоҳласангиз, «ХУНАРМАНД» уюшмасига аъзо бўлинг.

Бу уюшма Ўзбекистон Республикаси Президентининг
1997 йил 31 мартдаги ПФ — 1741 «Халқ бадий хунармандчилиқлари ва амалий
санъатни янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари
тўғрисидаги» Фармониға асосан «МУСАВВИР» илмий-ишлаб чиқариш маркази қошида тузилди.

Уюшманинг Тошкент шаҳридаги янги манзилгоҳи:
Тошкент ш., Юнусобод тумани, Ғани Мавлонов кўчаси, 18-уй (илгариги Тимирязев кўчаси).

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятлари шаҳарларидаги қуйдаги манзилгоҳларда
«ХУНАРМАНД» уюшмасининг бўлимлари мавжуд:

Қорақалпоғистон Республикаси бўлими	Нукус ш. Бердах кўчаси, Кўрғазма зали. Тел: 79841, 70704.
Хоразм вилояти бўлими	Урганч ш. Пахлавон Маҳмуд кўчаси, 1, тул. 4. Тел: 80509.
Бухоро вилояти бўлими	Бухоро ш., Нодир Девонбеги мадрасаси. Тел: 243421.
Фарғона вилояти бўлими	Марғилон ш., Саид Аҳмадхўжа кўчаси, 72 «А». Тел: 338921, 372689.
Кўкчилик вилояти бўлими	Кўкчилик ш., Хамаза кўчаси, 83. Тел: 40021, 29204.
Ўзбекистон вилояти бўлими	Гулистон ш., Шароф Рашидов кўчаси, 49 «А». Тел: 265650.
Наманган вилояти бўлими	Наманган ш., А. Хўжаев кўчаси, 45 уй. Тел: 67086.
Риштон тумани бўлими	Риштон ш., Шароф Рашидов кўчаси, 23-уй. Тел: 21205.
Жиззах вилояти бўлими	Жиззах ш., Саъдуллаев кўчаси, 23. Тел: 41871.
Андижон вилояти бўлими	Андижон ш., Бозор кўча, 4. Тел: 259434.
Самарқанд вилояти бўлими	Самарқанд ш., Регистон майдони, Шердор мадрасаси. Тел: 356022.
Шахрисабз шаҳар бўлими	Шахрисабз ш., Ипак Йўли кўчаси, музей биноси. Тел: 20544.
Қарши шаҳар бўлими	Қарши ш., Охунбоев кўчаси, Қўлчибек мадрасаси.
Сурхондарё вилояти бўлими	Термиз ш., Тожик берк кўчаси, 20. Тел: 33326.
Ургут тумани бўлими	Ургут ш., Навоий шох кўчаси, 2. Тел: 35238.
Навоий вилояти бўлими	Навоий ш. Тел: 43622.
Тошкент вилояти бўлими	Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Арғин кишлоғи, Марказий кўча, 254-уй. Тел: 648011, 648331.

Хунарманд ва усталар «ХУНАРМАНД» Уюшмасининг вилоятлар ва шаҳарлардаги бўлимларига мурожаат қилинлар.

ДАВЛАТ КЕНГАШИ ИСЛОҲ ҚИЛИНАДИ

Хитойда мамлакатнинг олий ижроия органи — Давлат Кенгашини ислоҳ қилиш бошланди. Бу ҳақда ХХР парламенти махсус қарор қабул қилди. Ушбу қарорга биноан вазирликлар ва амалдорлар сонини қисқаради. Йўналиши бир-бирига яқин бўлган қўллаб-вазирликлар бирлаштирилади. Бундан бўён Хитой давлат режа қўмитаси фақат истиқболли белгилаш бўйича стратегик изланишлар билан машғул бўлади.

МУЛОҚОТ ГУРУҲИ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Маълумки, Косовода вуқудда келган тағлиқни бартараф этиш учун АҚШ, Россия, Франция, Буюк Британия ва Германия вакилларидан иборат мулоқот гуруҳи фаолият кўрсатмоқда. Бельгия ташқи ишлар вазири Эрик Дрейке Европада Иттифоқига аъзо мамлакатларга мурожаат қилиб, мулоқот гуруҳи саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга чакирди.

СУВ ТОШҚИНИ РЎЙ БЕРДИ

Покистоннинг жанубий вилоятларида, айниқса Белужистонда кучли ёмғир туғайли сув тошқини рўй берди. Олинган маълумотларга қараганда, табиий офат оқибатида икки мингдан зиёд киши ҳалок бўлган, минглаб одамлар бошпанасиз қолган. Ҳукумат жабрдийдаларга ёрдам бериш учун барча чораларни кўрмоқда.

ГЕНЕРАЛ ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

1973 йил Салвадор Альенде ҳукуматини ағдариб ташлаган ва 18 йил мобайнида Чилига раҳбарлик қилган генерал Августо Пиночет 65 йиллик ҳарбий хизматдан сўнг истеъфого чиқди. 1990 йилда у мамлакатга раҳбарлиқни топширган бўлса-да, ҳамон ҳарбий хизматни давом эттириётган эди. 82 ёшли генерални нафақага жўнатиш учун тантанали маросим ва ҳарбий парад уюштирилди.

ВАЗИР МАҚТУБ ЙЎЛЛАДИ

Ироқ ташқи ишлар вазири БМТ Бош қотиби Кофи Аннана мақтуб йўллаб, курослилантери бўйича иш олиб борган комиссиянинг айрим аъзоларини Ироқ ҳақидаги махфий маълумотларни ошкор қилишда айблади. Комиссия Ироқдаги кўп йиллик фаолияти давомда ушбу мамлакатнинг иқтисодий ва ҳарбий имконияти тўғрисида жуда кўп маълумот тўплаган. Вазирнинг мақтубида таъкидланишича, маъзур маълумотлар БМТ мулкки бўлиб, уни ошкор қилиш мумкин эмас.

СУД ПРЕЗИДЕНТИ ГУМОН ҚИЛИНМОҚДА

Франция конституцион суди Президентини Ролан Дюма коррупцияда айбонлиб сўроққа чакирланганидан сўнг, касалхонага ётишни маълум топди. У 90-йиллар бошида ташқи ишлар вазири сифатида Тайванга ҳарбий кемелар сотиш ва унинг эвазига қоралangan қилди гумон қилинмоқда.
Хорж оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайбаранди.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

БЎЛИМЛАР:
Паразит 133-57-34;
Хўж ва қончилик 136-07-94;
Иқтисодий 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги 136-37-85;
Маънавият 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар 136-29-89, 133-07-48;
Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;
Халқаро ҳаёт 132-11-15;
Котибиёт 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буортма Г — 01062, 42797 нуехлада босилди,
ҳақми — 2 тпбоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета ИВМ компьютерида терилди
ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва
Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.

С МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Жалил.
Навбатчи — Н. Топшев.
Музаҳхх — Ф. Усмонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топириш вақти—21.00 Босишга топирилиди: 21.50 1 2 3 4 5 6